


ТОШКЕНТ ҲАЛҚАРО ТИББИЁТ КЛИНИКАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

КЎРСАТМАЛАР (АВСТРАЛИЯ)



1. Назоратчи (Security) билан ташриф рўйхатга олингач, оила бошлиғи оиласини Муҳожирлик/Виза кутиш хонасига (Immigration/Visa Waiting Room) кузатиб, керакли ҳужжатларингизни тайёрлайди. Сиз билан бирга кузатувчи ёки бегона шахс келиши мумкин эмас.
2. Эслатма – Сиз Муҳожирлик/Виза олиш жараёнидасиз ва бу тиббий текширувни талаб қилади. Халқаро Клиника элчихонага сизнинг фақатгина тиббий текширув натижаларингизни тақдим қилади. Клиника бирор тавфсия бериш ёки визаларни бекор қилиш билан шуғулланмайди – **буни фақат элчихона қилади.**
3. Кейин оила бошлиғи белгиланган учрашувдан 10 дақиқа олдин Қабул Бўлимига (Reception) барча паспортлар, расмлар, паспорт нусхалари (3 тадан), барча эмлаш варақаларини тақдим этиши керак. Муҳожирлик/Виза кутиш хонасига келишингиз биланоқ оила бошлиғи Қабул Бўлимига (Reception) ҳужжатларингизни топшириши керак (харитага қаранг). Қабул Бўлимида сизнинг ҳужжатларингиз, варақа ва расмларингиз тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги ва ҳар бир оила аъзосининг рўйхати текширилади.
Сизнинг керакли ҳужжатларингиз рўйхати:
 - a) паспорт
 - b) тиббий варақа
 - c) расмлар (4 та (3x4))
 - d) Элчихонадан таклифнома хати
4. Тиббий текширув учун сизга тиббий текширув варақаси топширилади. Ҳар бир оила аъзосига худди шундай варақа берилади. Ҳар бир оила аъзосини алоҳида текширув жараёни бошланганда, текширувга чақирилган инсон аввал Қабул Бўлимига ва у ердан 1 чи Бўлим (Station 1) ёки вазиятга кўра бошқа бир бўлимга йўналтирилиши мумкин. 12 ёшдан катта оила аъзолари кузатувчисиз текширувдан ўтиш жараёнига йўналтирилади (харитага қаранг). 12 ёшдан кичик болаларни эса текширувга оиланинг катта ёшли бирор кузатувчиси олиб кириши мумкин.
5. **Муҳим эслатма – бу ерда ЧЕКИШ ҚАТЪИЯН МАЪН ЭТИЛАДИ.** Қоидани бузишингиз Клиника худудидан чиқарилиб юборилишингиз ва белгиланган учрашувни бекор қилинишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.